



Чоршанба

# Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

веб-сайт: www.mahalla.uz  
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

2

- Сизни ҳарбий хизматга қачон чақиришади?
- Яхши элнинг ҳашару ҳомийлари кўп бўлади

3

- Сугурталовчи товон талаб қилишга ҳақли(ми)?
- Чиннинг миси чиқди

4

- Таом улашиш меҳрни тоблайти
- Байрамдаги хавфли ўйинлар

ISSN 2010-7013

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### Р.Қ.Холматовни Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Қурбонназарович Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 16 декабрь

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### З.К.Ниязовни Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Зиявуддин Кучкарович Ниязов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 16 декабрь

## ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Парижда, мамлакатнинг нуфузли «MEDITRAD» сайёҳлик агентлиги қароргоҳида Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тақдирот маросимида «Banque de France», «Credit Mutuel», «Societe Generale», «IBM France», «Fortis», «Sogitec», «Dassault Systemes» каби Франциянинг бир қатор етакчи сайёҳлик агентликлари, йирик банк ва компаниялар вакиллари катнашди.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, соҳанинг истиқболли йўналишлари ривож, халқимизнинг бой маданий ва маънавий мероси, ноёб тарихий обидалари, мамлакатнинг географик жойлашуви, табиати ва иқлим шароитлари ҳақида маълумот берилди.

«Ўзбекистонга хуш келиб-сиз» видеофильми орқали тақдирот катнашчилари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, бетакор миллий уйғунлик, тез суръатда ривожланган инфратузилмаси, энг диди нозик сайёҳчи ҳам ўзига ром этувчи ажойиб табиати билан бевосита танишишди.

«ARTICLEONZE tourism» сайёҳлик компанияси янги йўналишларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Кристель Казин хоним ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари бўйича ихтисослашган мазкур компания мижозларни қизиқтирадиган янги йўна-

лишларни излаб топиш билан шуғулланишини билдирди. «Ишонч билан айтишим мумкинки, бизнинг жуда кўп мижозларимиз халқингиз томонидан авайлаб асраб келинаётган ноёб маданий меросни кўриш мақсадида Ўзбекистонга боришни исташади». У ушбу компаниянинг яқин келажақда мазкур сайёҳлик йўналишини ўзлаштириш бўйича иш бошлашини таъкидлади.

«Ciment Calcia» компанияси вакили Р. Поли хоним жуда кўплаб францияликлар ўзлари учун Ўзбекистон каби ажойиб мамлакатни кашф этишганини қайд этди. «Сийёс ва иқтисодий барқарорлик мамлакатингизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади, — дейди у. — Биз келгуси йилда компаниямиз бир гуруҳ мутахассисларининг Ўзбекистон сайёҳлик бозорини бевосита ўрганиш учун юртингизга бориб келишини ташкил этишни режалаштирганмиз».

«СЕРАС» компанияси директори М. Пурас ўзининг Ўзбекистонда бўлгани ҳақида таассуротлари билан ўртоқлашиб, мамлакатимизнинг табиий шарт-шароитлари, миллий боғларнинг кўпчилиги, замонавий меҳмонхоналар тармоғи, сайёҳлик мажмуалари, транспорт коммуникация масалалари ҳақида гапирар экан: «Мен ўзим учун маърифатли, самимий, меҳмондўст халқ истиколат қилган маданий ва маънавий жиҳатдан бой мамлакатни кашф этдим. Ўзбекистонга яна бир бор сафар қилишни ва мамлакатнинг кўп қиррали маданиятидан ўзим учун янги-янги уфқларни очиб олишга истадим», — дея қайд этди.

«Жаҳон» АА, Париж

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам амалга оширилаётган ислохотлар самарасида кўлга киритилаётган ютуқларга тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, вилоятда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга эътиборни қаратиб, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. З.Ниязов Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи

лавозимидан озод қилинди.

Президент Ислам Каримов тавсиясига кўра, Куйичирчиқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Рустам Холматов Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислар марказининг бўлим бошлиғи Х.Тошматов, вилоят Маънавият тарғибот маркази раҳбари С.Қурбонқулов, Куйичирчиқ тумани Алишер Навоий номидаги агрофирма раҳбари Т.Искандаров, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш.Бобоев, Зан-

гиота туманидаги «Дента-фарм» хусусий корхонаси раҳбари К.Қосимов, Бўка туманидаги «Чигатой» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси З.Ёдгоров, ва, вилоят «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси раиси А.Иноғомов вилоят меҳнаткашлари Президентимиз нутқида билдирилган танқидий фикрлардан тегшли хулоса чиқариб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш, белгиланган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун куч ва имкониятларини сарфарбар этишини таъкидладилар.

(ЎЗА)

## МАҲСУЛОТЛАР — ЖАҲОН БОЗОРИГА

Марғилондаги «ORSHANEV TEXTILE» маъсулияти чекланган жамияти замонавий технологиялар асосида фаолият кўрсатади.

Корхонанинг сифатли маҳсулотлари Европа ва Россия давлатларига етказиб берилаётди. Яқин келажақда жамиятнинг замонавий талаблар асосида маҳсулотларини яна кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнлари тўла компьютерлаштирилган бўлиб, унда 145 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.



СУРАТДА: Марғилон шаҳридаги «ORSHANEV TEXTILE» маъсулияти чекланган жамияти ишчиси Гулнора Юсупова.

Фаргона вилояти

### Дилдаги гап

## ҚИШЛОҚ ОБОД — ЮРТ ОБОД

Бизнинг «Килдон» қишлоқ фуқаролар йиғини ўзида Мулла, Сийрак, Жанжал, Мугул қишлоқларини бирлаштирган. Қишлоқларимизнинг табиати гўзал, осмони тиник, ҳавоси мусаффо, ястаниб ётган далаларида қорли тоғлардан мавжлашиб келадиган асов Зарафшон дарёсининг салқин сабзалари эсим туради. Суви зилол, тупроғи серурум. Бу ерда етиштирилаётган сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, сархил мевалар доғриги Кавказга ҳам, Болтиқбуйига ҳам етган.

Бирок, ажодлари ана шундай заминда умргузаронлик қилиб келган меҳнаткаш, бунёдкор килдонликлар яқин ўтмишда рўшнолик кўрмади. Меҳнат қилиши, баракали ҳосил етиштиришди, хузурини эса ўзгалар кўрди. Бахорда қурт тутиб пилла етиштирган, ёз буйи даласидан чиқмаган, кузда болга энган маҳсулотларини йиғиштирган, киши билан бог-роғларига яқоб берган захматкашларга лоақал оддий яшаш шароитлари ҳам яратиб берилмаган эди. Кўчалар уйдим-чўқур, ичимлик суви, табиий газ йўқ эди. Тиббий, маиший, савдо хизмати, телефон алоқаси ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқнинг тақдирини, бу ерда яшовчиларнинг аҳоли билан ўша пайтларда ҳеч ким қизиқмас эди.

Шукри, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Килдонда сўнгги 10-15 йил ичида асрлар давомида қилинмаган ишлар амалга оширилди. Равон йўллар қурилди, хонадонларга тарбий газ келди. Замонавий қишлоқ врачлик пункти, барча қўлайликларга эга бўлган туғруқхона қад ростлади. Халқроқ сўзлашув пункти қурилиб фойдаланишга топширилди. Яна Иқтисодиёт касб-хунар коллежи, бир-биридан кўркам гузарлар... «Килдон» қишлоқ фуқаролар йиғини чиндан-да чирой очди.

### Самарқанд вилояти

### Қарор ва ижро

### Жиззах вилояти

## ЮКСАК МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ САВИЯ

фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади

Фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи демократик институтлар — нодавлат ташкилотлар, маҳалла ва оянда юқори маданий ва маърифий савияга эришиш демократиянинг зарур шартларидан ҳисобланади. Демократлаштириш ва модернизациялаш сари юз тутган ҳар қандай давлат фаол инсонни тарбиялаш ҳақида ҳидий қайғуриши табиий. Шу сабабли юртимизда «комил инсон» ғоясига хос сифатларни фуқароларда қарор топтиришга муҳим ва-

зифа сифатида қаралмоқда. Бунинг учун янгиланаётган маданиятда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали барқамол ва фаол инсонларни воғога етказишга катта эътибор берилаяпти. Хозирги кунда республикамиздаги жамоат ташкилотлари бўғинида ўтказилаётган миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Жиззах вилоятидаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини оширишга, юқори маданий-маърифий савияга эришишга, шунингдек миллий истиқлол ғояси тарғибига муҳим вазаифа сифатида қаралаётгани, уни халқимиз, айниқса, ёшлар онгига синдириш амалга оширилаётгани ўз самарасини бераётди. Бу борада, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими Маънавият тарғибот маркази ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда унинг худудий бўлими билан ҳамкорликда фаолият юритаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-саҳифада)

## ҲАМ МУРУВВАТ, ҲАМ РАҒБАТ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг 2008 йил 8 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, худудий бўлими томонидан жойларда «Конституция, демократия ва маънавият» мавзусида жами 11000 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундан ташқари, ободонлаштириш ишлари ҳам катта эътибор қаратилди. Хусусан, худудларда 7300 гектардан ортиқ энибаттоҳ ва қабристонлар тозаланиб, 12300 тоннадан

ортиқ қурилиш ва маиший чиқиндилар алоҳида белгиланган жойларга чиқариб ташланди. Жамғарманинг худудий бўлими ва бўлимлари ҳисобидан 3400 нафардан ортиқ кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчинини йўқотган ҳам таъминланган оиналар, жумладан, ёш оиналарга 40 миллион сўмга яқин муруват ёрдамлари кўрсатилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг туман, вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси, шаҳар ва Тошкент шаҳар босқичлари ўтказилди. Ғолибларга «Маҳалла» жамғармасининг худудий бўлими ва бўлимлари томонидан жами 3 миллион сўмга яқин эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар топширилди.

МУҲБИРИМИЗ

**Mahalla**

— Яна нима дейсиз?  
— Диди энг нозик сайёҳлар ҳам юртимиз табиатини севиб қолишади.





